









СУРАТЛАРДА: полик линика иш кундан лавҳалар.

Д. АХМАД суратлари.

# МЕҲР ГУЛДАСТАСИ

4 АПРЕЛЬ. Бўка туманидаги Ыўлдош Охунбоев номи 15-сон болалар уйи байрамларгаддек безатилади. Катта ҳовли рўёсида сербар оқ дастурхон тузалган. Тўқин-сочин хонтахта-ларга анвойи гуллар қўйилган. Бугун бу масканда олти ўғлончининг хатна тўйи ўтказилган эди.

Меҳр-оқибат кунда керак, дегандаридек, ёш авлод, келажикимиз гул-гунчалари тақдир ҳақида мушоҳада юритиш, улар тўғрисида ҳар томонлама гамхўрлик қилиш — халқимизнинг азалии ва ардоқли удумларидан биридир. Айниқса, етим-есирлар бошини силаш, отаси ва онаси ўринини босиш, меҳрга ташна мурғак қалбларга кувонч, шодонлик бағишлаш улуг савобдир.

— Болалар уйда, — дейди муассаса директори Ҳай-

дар Мусаев, — 78 ўғил-қиз тарбия топмоқда. Улар учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё. Узоқ йиллик иш таърибига эга бўлган тарбиячиларимиз Н. Ф. Радионцева, Н. С. Охотина, Ю. А. Зеленин, Л. С. Садуева ва бошқалар болаларни оқ тараб, оқ кийинтириб воёга етказишляпти. Бугунги кун, айниқса, бир умр асимизда қолади. Туман ҳокимлиги, вилоят ва туман халқ таълими бўлимларининг ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбир — ана-уна Кўчаювлар, Алишер Авдиев, Рустам Кузнецов ва Ғайрат Шамаговларнинг тўйлари бугун худудда овоза бўлди. Мўйсафид отахон ва онахонларимиз бу хабарни эшитиб дуога қўл очиди.

...Ҳа, кексалар дуосини олган тўй катта маросимга айланб кетди. Унга пойтахт

ва бошқа ерлардан жуда кўп меҳмонлар йиғилишди. Табрик-табрикка, қуй-қўшқичқа уланди. Уйин-кудги авжга минди. Туман маданият уйи санъаткорлари, болалар уйининг «Ёшлик» дастаси жажжи хушовозлари тантанага файзу тароват бағишлаб, ўз истеъодларини намойиш этишди, Меҳр гул дасталари тортиқ қилишди.

Тўй маросими ҳомийлари — вилоят ва туман матбуот жамиятлари уюшмалари, Бўка шаҳридаги «Бобур» савдо уйи бу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшишди. Ҳамма ҳаражатларни ўз зиммасига олган бу жамоалар олтовлон тўйболани бошдан оёқ ясантирдилар, элга дастурхон ёзиб, ош тортидилар.

Н. НУРИЛЛАЕВ.

## ШИФОКОРЛАР ОГОҲЛАНТИРАДИЛАР

# ҚЎЗИҚОРИНДАН ЗАҲАРЛАНИБ ҚОЛМАНГ!

БАҲОР илқ келиши билан тез-тез ёмғир ёғиб, қўзиқоринларнинг эрта пайдо бўлиши учун қулай шароит яратилди. Ҳибонлар, истироҳат боғлари, дала ҳовлиларида, мактаблар, боғчалар атрофларида, шунингдек, бошқа жойларда энди улар бодраб чиқиши тайин. Қўзиқоринларнинг бўлганлиги учун уни одамлар яхши қўриб истеъмол қилишади. Лекин, табиатнинг бу инъоми орасида егуликлари ва еб бўлмайдиган заҳарлилари ҳам борлигини кўпчилик билмайди. Неча йиллардирки, шифокорлар бу борада аҳолини огоҳлантириб келишларига қарамастан, ҳақон хунук воқеалар рўй бераётганлиги кишини афсуслантиради.

Утган йили вилоятнинг Қибрай ва Уртачирчиқ туманларида қўзиқориндан заҳарланган ҳайвонларнинг санои қўзиқоринлар қайт этилиб, 9 киши, шу жумладан, 2 нафар ёш бола оғир касалланди. Шифокорларнинг тинимсиз ҳаракати тўғрйли улар рўй бериши мумкин бўлган фожевадан ҳалос этилдилар. Шу кунларда Олмалик шах-

рининг юқумли касалликлар шифохонасида иккита бемор консерваланган қўзиқориндан заҳарланиб, оғир аҳволда этипти.

Шуни айтиш керакки, қўзиқориннинг жуда тури кўп, биргина Ўзбекистон худудига 300 яқин хили учрайди. Лекин, унинг фақат 25 тури истеъмол учун яроқли ҳисобланади. Легиота деган ўта заҳарли қўзиқоринни истеъмол қилиш ўлимга олиб келади. У йўл бўйларида, далаларда, ҳўл ва қуруқ дарахларда ўсади. Бу қўзиқориннинг янгилисидан мева қили, қуритилгандан эса қўланса ҳил келади. Заҳарли қўзиқоринларда цинник моддаси бўлиб, унинг қўзиқоринлар инсония тиз заҳарланади.

«Рангсиз поганка» деб аталувчи қўзиқорин ана шундай болалардан биридир. Бу қўзиқоринлар жигар билан буйракка тезла зиён етказиб, одамни аборот этади. Ана шу қўзиқоринлар қайнатилганда ҳам бари-бир заҳарли моддаси сақланиб қолиши аниқланган. Қўзиқориндан заҳарланган

бемор тезла мадорсизланиб унда қайт қилиш учун метиш, мушакларнинг тортишуви каби ҳолатлар пайдо бўлади. Инсон ўзининг борган сари нари кетаяётганлигини ҳис этади. Ошқозони, ичакларидан оғриққа чидаблмай, ўзини қўйгани жой тополмайди.

Шу боис қўзиқориндан заҳарланган одамга дарҳол бичрич ёрдам кўрсатиш учун унинг ошқозони, ичакларини ювиш лозим бўлади. Ич кеттиш оқибатда йўқотилган суоқлини тиклаш мақсадига беморга кам-кам миқдорда номанок ичиртиш ёки аччиқ чой бериш керак. Касалликнинг белгилари пайдо бўлганда спиртлик ичмликлар умуман ман этилади. Чунки, улар қўзиқорин заҳарининг кучайишига йўл очади.

Ҳўш, қўзиқориндан заҳарланишнинг олдини олиш мумкинми? Ҳа, мумкин. Аввало қорайтан, қариган, қурт босган, бўзилган қўзиқоринларни термаслик керак. Агар қўзиқорин болалар терган бўлса, уни катталар, албатта, қайта қўриб чиқишлари зарур. Қўзиқоринларни ис-

## МУСОБАҚАЛАР БОШЛАНДИ

Вугун футбол бўйича Тошкент вилояти командалари Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи лигасида мусобақалари бошландилар. Ушбу мусобақаларда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидан жами 16 команда иштирок этади. Жумладан, бугун бўладиган биринчи учрашувларда Ангренининг «Нуробод» командаси «Соҳатскийнинг «Ғалаба», Оққўрғон туманининг «Оққўрғонлик» командаси Тўйташнинг «Ҳақиқат», Пискетнинг «Ёшлик» жамоаси Оққўрғон пахта заводининг «Шахтачи», Янгйобозорнинг «Полиотдел» командаси эса Бўканин «Вўқалик» командалари билан майдонга тушадилар. Эртага бўладиган учрашувларда эса «Цементчи» (Охангарон) — «Маданият» (Қибрай), «Чиноз» (Чиноз) — «Винокор» (Бекобод), «Дўрмон» (Қибрай) — «Бўстон» (Бўка), «Чирчиқ» (Чирчиқ) — «Металлург» (Олмалик) командалари ўзаро куч синашадилар.

## • Зағиота туманида

ХУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС

Зағиота қишлоғидаги 16-хунар-техника билим юртида асрлар давомида авлоддав авлодга ўтиб келган, лекин бизнинг давримизга келиб бироз унутилган халқ хунарамандчилиги анъаналарини тиклаш борасида бир қатор яхши ишлар қилинмоқда. Жумладан, яқинда некса ўқитувчи Неймат Назиров ташаббуси билан бу ерда сават тўқиш тўғрисида фаолият бошланди. Тўғарак қатнашчилари бу ерда тол, тут новдаларидан рўзбороб саватлар тўқимолдлар.

Билим юрти раҳбарияти келгусида халқ амалии санъатининг бошқа турларини ўрганиш йиқинини бера тўғараклар очилиши ҳам жалламоқдалар.

## «ФАРОВОН» ҚУЛОЧ ВИМОҚДА

Узгарин қишлоғидаги «Фаровон» фирмаси ташкил этилганига тўрт йил бўляпти. Дастлаб ширкат сифатида фаолият бошлаган корхона эндиликда бир неча йиллик фирмага айланди. Ҳозир бу ерда сават, пивё, олма сингари қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қўриб берадиган, консервалар тайёрлайдиган линиялар ишлаб турибди. Яқинда яна бир линия ишга туширилди, унда яхна ичимликлар ишлашларга қўйилади. Айни кунларда бу ерда 50 нафар киши меҳнат қилимоқда. Келгусига улар сонини 100 нафарга етказишга ҳаракат қилинмоқда. Бунинг учун қўш. а линиялар ишга тушириш мўлжалланмоқда.

— Ишлаб чиқаришдан олдинги фойданинг бир қисмини, — дейди фирма раҳбари Билал Султонов, — ишчиларимизнинг иқтисодий ҳимояси учун сарфлаймиз. Уларнинг ойлук маошлари мунтазам ошириб борилмоқда. Улар учун янги ошхона ва сауна қурилмоқда. Яқинда Тошкентдаги «Умид» фирмаси билан шартнома тузди. Ушбу шартномага кўра ишчиларимиз «Умид» фирмасига қарашли тиббий муассасаларда даволаниб, ўз саломатликларини тиклашлари мумкин.

Н. ҚОДИРОВ.  
Муҳаррир  
Н. НАСИМОВ.

## МАҲАЛЛАЛАР ХИЗМАТИДА

Ҳа, кишиларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш борасида куч-қувватларини аямий келаятган пойтахтдаги Собир Раҳимов туманидаги 4-поликленика шифокорларидан маҳалла аҳли мамнун. Файзулла Ҳўжаев раҳбарлик қилаётган ушбу шифо масканида одамлар соғлигини назорат қилишга,

айниқса, аёллар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида аҳамият бериляпти. Маҳаллама-маҳалла юриб, беморлардан ҳол сўрайдиган, лардага малҳам бўладиган Р. Мирзакаримова, М. Турдиева, Д. Қасимова, С. Сенченко, Ф. Абдурахмонова, Л. Загидуллоева, М. Эрматова, А. Зарецкийлар-

дан кўпчилик миннатдор. Маҳаллада мана шундай билимдон, жонкуяр шифокорлар бўлса кўнглинг ҳам тинч бўлади, ўзининг хотиржам сезасан киши. Поликленика қошида кундузги шифохона ишга тушди.  
Ю. МИРЗАКАРИМОВА.

# ҲУШ КЕЛИБСИЗ!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ХУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ КОМПЛЕКСИ 36-ХУНАР БИЛИМ ЮРТИ  
1994-1995 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСПИКЛАР  
БУЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**ФЕРМЕР-ЧОРВАДОР** (чорва молларида ветеринар ишлов берниш оператори, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, "В" ва "С" тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва чорва фермаси механизатори мутахассисликлари берилади), ўқиш муддати - 1, 5-3 йил.

**ФЕРМЕР-АСАЛАРИЧЧИ** (асалариччи, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, "В" ва "С" тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва дурадгор мутахассисликлари берилади) ўқиш муддати 1,5 - 3 йил.

**ФЕРМЕР-ҲЕМИКЛИК ҲУНОС** - (мева-сабзавотчилик устаси, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, "В" ва "С" тоифали автомобиль ҳайдовчиси мутахассисликлари берилади) ўқиш муддати - 1, 5-3 йил.

**ТЕЛЕВИЗОР ВА РАДИО ТУЗАТКИЧ ҲУНОСЛАРИ ТАЙЁРЛОВЧИ ТИЛЛИК ОЛТИ ОЙЛИК ҚАРС ТАЖЖИЛ ЭТИЛТАН**. Ҳужжатлар 1994 йилнинг 10 августигача қабул қилинади. Ўқувчилар 1994 йил 10 августдан ўзбек тилидан (диктант), биологиядан (тест) касби бўйича имтиҳонлар топширадилар.

Билим юртига 9-11 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. Уч йиллик ўқиниш тугатганларга ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат билан мутахассислиги тўғрисида диплом берилади.

1,5 йиллик фермер гуруҳларига армия сафидан қайтган йигитлар қабул қилинади. Фермер гуруҳлари ўқувчиларига босқичма-босқич текширув натижаларига кўра ҳар курсдан сўнг мутахассислик бериб борилади. Уч йиллик гуруҳ ўқувчилари тўла курсни тугатганларидан сўнг ўрта маълумот ва фермер мутахассислигига эга бўладилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бецул овқат, кийим-бош ва стипендия билан таъминланадилар. Фермер гуруҳларининг ишлаб чиқариш амалиёти республикамизнинг фермер хўжаликларига ўтказилади. Имтиҳонларни «яхши» ва «аъло» баҳоларга топширган ўқувчилар ҳоринга жўнатилдилар. Ўқиш муддати иш стажига қиради.

36-хунар билим юрти замонавий бинога жойлашган, бадний ҳаваскорлик тўғараклари ва спорт секциялари мунтазам ишлайди.

**Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўриб топширилади:**

- ✓ туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт;
- ✓ маълумот ҳақидаги гувоҳнома (асли); - турар-жойидан маълумотнома, отаси ёки онасининг иш жойидан маълумотнома;
- ✓ олти дона (3x4 ҳажмида) сурат, 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.

Маълумотлар 1 сентябрдан бошланади ва фақат ўзбек тилида олиб борилади. Ҳужжатлар ҳар кўни (дам олиш кўнларидан ташқари) соат 8.00дан 16.00гача қабул қилинади.

Маълумотнинг: Шоткент вилояти, Қибрай тумани, "Тоғрўзика" кўпчилик / М. Тоғрўзиков мейхони - Шўзель автйобуслиги "Тоғрўзика" бекани, ёки 24, 49, 63, 73, 112 - автйобуслигини олтири "1-Қўрасов" дахаси бекани.

Маълумотлар ўғун телефон: 64-34-34.

## • ЭЪЛОН •

**СУВ ҚУВУРЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ, ШУНИНГДЕК 1994 ЙИЛ БАХОРГИ-ЕЗГИ МАВСУМГА ТАЙЕРГАРЛИК ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХУЖАЛИК ИЧИМЛИК СУВИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТАЪМИНЛАШ ТРЕСТИ**

**АБОНЕНТЛАРГА**

12 АПРЕЛЬ СОАТ 8.00 ДАН  
13 АПРЕЛЬ СОАТ 8.00 ГАЧА

**ҚУЙИДАГИ ВОДОПРОВОД ТАРМОҚЛАРИДА СОВУҚ СУВ БЎЛМАСЛИГИ ҲАҚИДА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

Қибрай тумани бўйича: «Турон», «Бурота», «Маданият» жамоа хўжаликлари, «Қибрай» давлат хўжалиги, «Қрасний Водопад» экспериментал базаси, «Селекция-генетика» станцияси, «Вайтқўрғон» кўчма

механизация колоннаси, Ш. Рашидов номи паррандачилик фабрикаси, Қибрай тумани матбуот жамиятининг нон комбинати;

Тошкент тумани бўйича: «Ўзбекистон» дам олиш уйи, «Ўзбекистон 50 йиллиги», «Навойи», «С. Раҳимов», «Ғ. Абдуллаев», «Охунбоев», «Умаров», «М. Фозилов» жамоа хўжаликлари, «Абдурахмонов», «Тошкент», «Тулаби» давлат хўжаликлари, «Минвода» сўхтағоҳи ва шифохонаси, 1-туман шифохонаси, «Келес» автокорхонаси, Келес ОРМЗ, Тошкент тумани паррандачилик фабрикаси, «Согбон» станцияси, Сарнғочдаги Темирбоев давлат хўжалиги, Шредер номидаги НИИСВ, «Сельхозкоммуремон» кичик корхонаси, «Средасельхозмаш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташоблводоканал», НИИОБҚ институти.

Маълумотлар олиш учун телефон: 47-03-20.

## Талъат Солихович Каримов

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИЛМИЙ БОШ КУТУБХОНАСИ ДИРЕКТОРИ Талъат Солихович Каримов 1994 йил 3 апрелда бевақ вафот этди.

Талъат Солихович Каримов 1937 йил 5 апрелда Тошкент шаҳрида дунёга келди. У ўз иш фаолиятини 1954 йили хунар-техника билим юртига туғатиб, Чкалов номидаги авиация заводида чилангарликдан бошлади. 1956 йилдан 1959 йилгача Қўролли кучлар сафига хизмат қилди. Бурчина ўтаб қайтач, турли корхоналарда чилангар, ҳайдовчи бўлиб ишлади. 1969 йили ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кутубхоначилик куллиятини тугатди.

1969-1975 йиллар ичида Талъат Солихович Каримов республика болалар кутубхонасида катта услубчи, бош кутубхоначи, илмий-услубий бўлим мудири сифатида фаолият кўрсатди. 1975 йилдан 1979 йилгача республика кутубхона коллектори уюшмасининг бўлим бошлиғи, Тошкент китоб савдоси бошчилигининг ўринбосари, республика китоб базасида директор ўринбосари, 1979 йилдан эса у А. Навойи номи Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг марказлашган илмий-услубий бўлимида шўба мудири лавозимларида ишлади.

1980 йилдан бошлаб умрининг охиригача Талъат Солихович Каримов вилоят «Турон» илмий бош кутубхонасининг директори эди. У қайси лавозимда ишлаганисин, ҳаммаша китобга меҳр уюғотишга, китобхоналар сафининг кенгайтишига салмоқли ҳисса қўшди.

Сидқидил хизматлари, чин инсоний фазилатлари, ишчанлиги билан маданият ходимларининг юксак ҳурмати ва эътиборини қозонган Талъат Солихович Каримовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий ишайди.

**ВИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.**

Республика «Баққолик» акционерлик бирлашмаси ва Тошкент «Баққолик» акционерлик жамияти жамоалари Тошкент «Баққолик» акционерлик жамияти раиси Қобил Ҳамидович Зоировга онаси

Инобат ва **МИРАКАРОВАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия издор қилади.

«Ташкент Таймс» фирмаси жамоаси Тошкент «Баққолик» акционерлик жамияти раиси Қобил Ҳамидович Зоировга қўлидан муҳтарамалари

Инобат ва **МИРАКАРОВАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия издор қилади.

Тошкент вилояти ҳокими маҳкамаси маданият ишлари бекқармаси, вилоят илмий услубий маданият маркази ва «Турон» илмий-бош кутубхонаси жамоалари вилоят «Турон» кутубхонаси раҳбари

Талъат Солихович **КАРИМОВНИНГ** вафот этганлигини чуқур қўй билан билдириб, маҳдумининг оила аъзоларига таъзия издор қилади.